

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (оат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юктамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юктамали соатлари: эрталабги энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечги энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсуви юз эффективининг қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг юртинги вақтида (энг кам юктамали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар каммаовини юз эффективининг қўллаш орқали билан бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келди.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келди.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланган ташкилотлар рўйхатида киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш асослари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугатилган сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловага мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузди.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “ ” санасига ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифга амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурлир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергиянинг)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан оқибатда этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни ноўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегиниши тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилган ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан давло муддати доирасида кўрсаткичлардаги таффовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохлишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирти тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамада 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқлашганга бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга ошириши ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варягини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этилади

Корхона томонидан махсус дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варягини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисоб-фактуралардан фойдаланишнинг ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублиги бағанаси бўйича фарқлаш даволатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублиги бағанаси четарасида ўрнатилмаганда, четарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технология сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ даволатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифга тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технология сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олдинги электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажмини ёзиш учун қўшиб борилади. (65.7-иловаларни реактив қувватга эга ва технология билан истеъмолчилар тўловларида)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технология сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи